

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг йиғилишидан

УЙИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСИН

(Давоми. Бошқ. 1-бетда).

Шахримиз учун бу хилдаги саволлар алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳисоб-китобларга қараганда, Тошкент Ғубкистон шаҳарлари ва вилоятлари орасида энг кўп миллатли маъмурий-хўжалиқ тузилма бўлиб, унда 110 миллат ва эллат халқларнинг истиқомат қилади. Ўзбекистоннинг бугунги сўхтаи батчики илочи борица далилларга бой бўлиш учун ана бир қанча рақамларни келтириш ортиқчалик қилмайди.

1989 йилдаги аҳолининг рўйхатга олиш маълумотларига қараганда тошкентликлар умумий сонининг 44,2 фоизини ўзбеклар, 34 фоизини руслар, 6,2 фоизини татарлар, 2,9 фоизини украинлар, қолганларини эса бошқа миллатларнинг вакиллари ташкил этади.

Ана шу рақамлар ортда минглаб одамлар бизнинг ҳаммаҳаббаримиз, уларнинг тақдирини умид ва озулари ётибди. Улар қайси миллатга мансуб эмалликларидан қатъи назар шахримизда осойишта ишашлари, ишашлари, ўқиллари, фарзандларини тарбиялашлари учун барча ишларни қилиш бизнинг бурчимиздир.

Энг муҳими — бунинг учун фуқаролар тотувлиги негизда барча соғлом куяларни жиислаштириш лозим.

Бутунини кунда шахримизда умуман барқарор вазиетни сақлаб туришга муваффақ бўлиш лозим. Бу дўстлик замирида: корхоналар, ўкув юрталаридаги коммунистлар ва партиясизлар, уларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг қотиблари, комсомол ҳодимлари, махалла комитетлари, хотин-қизлар кенашларининг аъзолари амалга оширган катта ишлар натижасидир.

Неча ўй йиллар мобайнида юзага келган байналмилалчилик анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш бугун бизнинг бурчимиздир. Тошкент ана шу анъаналар туйфали дўстлик шахри деб ҳисоблал келинди ва шундай ҳисоблана келмоқда.

Бу шунчаки мафкуравий қолип эмас. Ҳозир баъзи кишилар шундай деб ҳисоблашга мойил. Бу дўстлик замирида кўпгина миллат вакилларининг биргаликдаги меҳнати ётибди. Улар жумҳурият пойтахти маънавий ва иқтисодий имкониятлари қарор топишига, замонавий фан ва маданияти ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бу йил биз жумҳурият халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрланадиган Тошкент Давлат дорифундузининг 70 йиллигини нишонлаймиз. Дорифундузи эса Туркистонга Россия олимларини ва ўқитувчиларини олиб келган машҳур фан поездидан бошланган эди.

Авиация заводига Афронлар — Шевшниковлар оиласи ярим асрдан бери меҳнат қилади. Бу ишчилар сулоласининг умумий иш стажига 350 йилдан ошди. Шу корхонадаги Ивановлар сулоласининг биргаликдаги стажига 400 ял.

Тошкент курлиш Бош бошқармасида пардозловчи ана-ку Исломовларни яхши билишдади. Немайт. Қудрат ва Шўдрат шахримиздаги ўнаиб ишоотларнинг бардо этилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

«2-Тошкент пойабзал фабрикаси» ишлаб чиқариш бирлашмасида узоқ йиллардан бери қорақў Юра Жумабеков ишлайди. Шу ерининг ўзиде унинг хотини, икки ўғли ва келини ҳам меҳнат қилади. Халол ва виждонан ишлагани, ижтимоий ҳаётида феола қатнашганлиги сабабли Жумабековлар оиласи жамоа орасида катта обрў ҳосилди.

Шахримиз ҳаётидан бундай мисолларни кўпалаб келтириш мумкин. Ўнаиб миллатга мансуб кишилар бу ерда мустақам илди эйтишлар билан ижобий ҳамоатчиликга ўта бошлаганини умид туғдирган эди. Лекин ҳаркамт раҳбарларининг баҳсбозлик йўлига ўтиб олиши сиёсий давтолари сабабли бу ҳамоқорлик ривожланмади. Масалан, кейинги вақтда норасмий уюшмаларнинг аъзолари қарбий хизматчиларнинг армияда халок бўлиш воқеаларида қаттиқ фойделанмоқдалар, бунга миллий тус бермоқдалар. Ахир ажал миллат ажратмайдику, ўзбекистонлик халок бўлган йигитлар орасида руслар, татарлар, корейслар, украинлар ҳам бор.

Уларнинг Ўзбекистон Компартияси гўеки бозорга қарши, деган гапларига нима дейсиз? Кейинги вақтларда жумҳуриятимизда амалга оширилган тадбирларга, жумладан қишлоқ аҳолисига шахсий фойдаланиш учун ер ажратиш ва мулкни хусусийлаштириш жараёнига халис баҳо бераётган. Ўзбекистон ССР Олий Кеңашининг бўлажак сессияси кун тартибидан таниш бўлган ҳар бир кишига бу гапларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги равшан. Ҳў-ўзилан маълумки, ана шу тадбирларда хумкор партия — Ўзбекистон Компартиясининг ҳам ташаббуси бор.

Екин норасмиёларнинг жумҳуриятимизда тўлиб-тошиб келган муаммоларини ҳал этиш борасидаги қизматларни ўзлариники қилиб қўрсатиш «усулини» олиб кўрайлик. Агар уларга кулоқ соладиган бўлсангиз, улар тўполок қилиб, шовқин-сурон қўтармаганларида пахта яқка зироатини туғатиш, аҳолининг камбағал табақаларига ердам бериш, бошланғич синфларнинг ўқувчилари, беморлар ва ҳималдор аёлларни бепул овқатландириш ва бошқа тадбирлар амалга оширилмаган бўлур эмиш. Ваҳоланки, сўнги вақтда булар ҳақида Ўзбекистон Компартияси, жумҳурият давлат раҳбарияти доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Мисол учун «Бирлик» раҳбарларининг демократиялаш жараёнида «Илгор тақриби» билан танишиш мақсадида Россия Федерациясига юриш қилганликларига нима дейсиз? Улар сифар чоғида Россия демократлари ниятига Ўзбекистон раҳбариятининг консерватизмидан шикоят қилиб, роса кўз ёш тўкдилар. Бу ҳақда «Хорижда оширилган ёлгон» мақоласида ҳикоя қилинди.

Кўни-кечагина жумҳурият мустақиллигини учун ҳаммадан кўпроқ қувонган бу кишилар эндиликда ўзларининг барча нарсаларга осонгина ишонаварадиган тингловчиларни олдида мақтаиб, агар уларни хаф қилишса, ўзларининг росиялик дўстларига ердам сураб мурожаат этишларини айтишмоқда.

Кўни-кечагина жумҳурият мустақиллигини учун ҳаммадан кўпроқ қувонган бу кишилар эндиликда ўзларининг барча нарсаларга осонгина ишонаварадиган тингловчиларни олдида мақтаиб, агар уларни хаф қилишса, ўзларининг росиялик дўстларига ердам сураб мурожаат этишларини айтишмоқда.

«Интерсоюз» ҳаракати тўғрисида ҳам гапирмасдан бўлмайдим. Унга асосан аҳолининг рус тилида сўзлашадиган вакиллари кирди. Бу ерда ҳам воқеаларнинг ривожини тахминан худди ўшандай: давлат идоралари билан аввалга амалий ҳамкорлик бошлангандек бўлди. Кейин ишнинг, баъзида эса очидан-очик муҳолифликка ўтиб олинди. «Интерсоюз» охириги вақтларда жиноятчилик ўсапти, шаҳарликлар соғлиги ва ҳаёти энг аввало, Европа миллатларига мансуб шаҳарликларнинг соғлиги ва ҳаёти хаф остида қолапти, деб жар солишни яхши кўради.

Шундай қилиб, норасмиёлар кейинги вақтларда рўй берган воқеалардан ташвишга тушган рус тилида сўзлашувчи аҳолининг кайфиятидан фойдаланиб кескинлигини авж олдиришга, ўз мавқеини мустақамлаб олишга умид қилмоқда.

Кўриб турибсизки, «Бирлик» ва «Интерсоюз» манфаатларида тафовут бўлишига қарамай, уларда бир муштараклик ҳам бор: улар митинглаш ўтнашиш, эхтиросларни авж олдириш йўли билан аҳолини беқарорлаштириш, ҳоқиминг идораларига таъйиқ қўрсатиш ва бу билан ўзларининг сиёсий мақсадларига эришишни ният қилиб кўйганлар.

Ҳа, кўп муаммолар бор, катта қийинчиликлар мавжуд, буни инкор этмаймиз. Бу муаммолар, бу қийинчиликларни бартараф этиш йўллариин излаш керак. Лекин муҳолифлик билан эмас, балки фуқароларнинг тотувлиги асосида излаш лозим.

Энг муҳими — ҳаётини яхшилаш учун илгиш керак.

Сўнгра нотиқ митингбозликдан иборат «демократия» қандай хатарли оқибатларга олиб келишини ҳар бир киши идрок этишининг зарурлигини таъкидлади. 1989 йилда Тошкент шаҳар ижроия комитетига митинглаш ва йиғилишлар ўтнашиш тўғрисида 48 та, 1990 йилининг бошидан бери эса 37 та ариза тушди.

Агар ана шу барча тадбирлар амалга оширилганда, Тошкентда рўй бераётган жараёнлар таъсирини ҳисобга олиб шахримиз ва жумҳуриятимизда қандай вазиет вужудга келишини, у бошқа шаҳарлар ва вилоятлардаги ижтимоий-сиёсий муҳитга қандай таъсир қилишини тасаввур этиш мумкин.

Ҳ. М. Абдураимов шаҳар фаолларининг, жамоатчилигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Улар туйфали норасмий ташкилотларга масъулиятни арбобларнинг сиёсий йиғинарликларини олдини олишга, шахримизда тинчлик ва осойишталигини сақлашга муваффақ бўлишмоқда. Жиислашиб, фуқаролар тотувлиги йўлини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайсиз, деб ўйналайман.

Бироқ барқарор ижтимоий-сиёсий аҳвол бизда хотиржамлик туғдиршиш керак эмас. Бизнинг меҳнат жамоаларидаги, айниқса турар жойларда тушунтириш ишларини, маърифий ишларни бирор кун ҳам тўхташига ҳаққимиз йўқ. Кўчалардаги йиғинларда шахримиз ҳар ўз аҳолисининг биттаси, яъни 2 миллионли аҳолининг бир фоиз қатнашадиган бўлса, унда бу рақам 20 миң кишини ташкил этади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Энди ўзингиз бир қараб кўринг, митинглашга асосан кимлар чиқмоқда? Бизга бундай одамлар билан неча марта лаб сўхбатлашишга тўғри келди. Улар жамиятимизда рўй бераётган жараёнларнинг мохияти хусусида жуда оз тасаввурга эга бўлган кишилардир. Улар, омадта жумҳурият раҳбарияти олиб бораётган ишлар тўғрисида ниҳоятда юзакни тасаввурга эгадирлар, иқтисодиёт ва сиёсат ҳақида жуда жўн ўйлайдилар. ўз ҳаракатларида далилларга эмас, кўпроқ миш-мишларга, ҳис-ҳалжонга асосланадилар.

— Биз узоқ вақт ҳамма байналмилалчи бўлиб турганда, дега ўйлаб келдик, — деди нотиқ ўз маърузасини ақулар экан. — Кейинги йилларнинг тақрибаси бу аслида нотиқри эканлигига бизни ишонтирди. Инсонда байналмилалчилик бошқа маънавий фазилатлар сингаги шаклланиши ва вужудга келиши керак. Уни бошқа маънавий фазилатлар сингаги аниқ бир мақсадга йўналтирилган салбий рўҳда ташвиқот таъсири остида йўқотиш мумкин.

Шу сабабли биз шаҳар аҳолиси билан олиб бориладиган ишларни кўчатиришимиз, энг муҳими ишларга катта эътибор беришимиз зарур.

Фаолларимиздан қуйидаги фикрини қўллаб-қувватлашларини сурайман: 1990 йилининг октябидан 1991 йилининг ноябригача Тошкентда митинглаш, намойишлар ва шаҳардаги аҳолини беқарорлаштирувчи бошқа тадбирлар ўтказилишига қарши мораторий эълон қилинсин, деган тақлиф билан Тошкент шаҳар Советига кирилсин.

Нотиқ ўз сўзининг охирида Тошкентда қарор топган дўстлик ва байналмилалчилик анъаналари аввалгидек мустақам бўлади, шахримиз ўзининг тинчлик ва ҳамжиҳатлик шахри номини сақлаб қолади, деб умид билдирди.

Шундан кейин йиғилиш қатнашчиларига сўз берилди. Ўзбекистон ССР халқ шпори, СССР халқ депутати А. Орпов Фобройдан Марксгача бўлган даврда, Октябрь инқилоби чоғида кишилар онгини яхшидик, тенглик, биродарлик сингаги ажойиб гоғлар эгаллаганлигини таъкидлади. Лекин воқеаларнинг кейинги ривожини дамонида ана шу гоғлар бузилди. Қайта куриш барча етилган муаммоларни ҳал этиш имконини беради, лекин бу ишни жиислаштириш, ҳамжиҳатлик, байналмилалчилик асосида амалга ошириш лозим. Шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари барчамиз учун фалокатлидир.

Тошкент тўнмаччилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Ғубина миллатлараро муносабатларга тобора кўчйиб бораётган салбий таъмирлар билан, ҳамма вақт Тошкент шўхталишига шўхтаб кўчйиб бораётган байналмилалчилик анъаналаридан бир мунча ченинлаётганлигини билан танишланаётганларини айтди. 50 йилдан кўпроқ вақт муқаддам Россиянинг барча томонларидан саноят оқида қолган ўлкаларни кўтариш учун Ўрта Осиёга келган минглаб одамлар бу иш машаққатли бўлишини билдишарди. Лекин кўп нарсаларини дўстлик, самимий инсоний муносабатлар қоплаб юборди. Ҳозир ҳам бир-биримизга ҳурмат билан қарашни ўрганишга, миллий масалаларга эйранлик билан ёндошишга кўпроқ эътибор бериш керак.

Дарҳақиқат, бугунги кунда энг ўткир ва долзарб масалаларнинг бири миллатлараро муносабатлардир, деди ўз нутқида Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи котиби Қ. М. Рафиқов. Ўзбекистон ва Тошкент учун бошқа жумҳуриятлар ҳамда минтақаларда ҳозир юз бераётган қийинчиликлар ва муаммолар унчалик аҳамиятга эга эмаслигини ўқдириш зарур. Лекин бу ўз келажигимиздан

ташвишланиш керак эмас, деган маънони билдирмайди. Аниқ-равшан, амалий ишлар билан шуғулланиш, атрафга алашмаслик энг тўғри йўлдир. Ҳозирги пайтда осойишталик, барқарорлик ва тартиб — бозорга муваффақиятли ўтишининг негизидир. Шу сабабли районда, нотиқнинг айтишига қараганда, истиқомат жойларида, ишхоналар, мактаблар ва билимгоҳларда одамларнинг кайфиятига, ўзларини қандай ҳис этаётганликларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Биз муштарак муаммоларни ҳал этиш йўллариини биргаликда излаш учун одамларнинг эҳтиёжини ва ташвишларини билишимиз лозим. Барқарорликни санлаш қаролатини фақат бир нарсда — Ўзбекистон Президентининг жумҳуриятимизнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш йўлидаги саъий-ҳаракатларини ҳар томонлама бутун халқ томонидан қўллаб-қувватлашишда кўраймиз.

Бироқ, бузғунчи кўчлар турмушимизни издан чиқаришга ва тўс-тўполок бошлашга уриномқдалар. Эркинлик ва демократия тўғрисидаги сафсаталари уларнинг сиёсий ҳоқимият тенаисига келиш йўлидаги уришларини ниқоблайди, хонос. Ҳозирги шаронда партия билан бирлишмиш керак. «Бирлик» ва «Интерсоюз» эса илларни жунбўшга келтирмоқда, эхтиросларни авж олдирмоқда, митинглаш уюштирмоқда, осойишталик ва ҳуқуқ-тартиботни бузмоқда. Вирорте чинакам демократик мамлакатда бундай аҳволга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу бузғунчи кўчларнинг хатти-ҳаракатлари мохиятдан жумҳурият ва унинг халқи манфаатларига хиенат сифатидагина баҳолашни мумкин. Шундай қилиб, «Бирлик» ва «Интерсоюз»нинг хатти-ҳаракатларига, уларнинг ёлгон-яшиқлари ҳамда жумҳуриятимизда бошланган ажойиб ўтагиришларни журтага ёмонлашларига ўзимизнинг саботимиз, шахримиз илгор кўчлари, фаоллари, жамоатчилигининг одамларга ишлар ҳақиқий аҳволини тушунтириш борасидаги куч-гайратларини бирлаштириш билан қарама-қарши туришимиз керак. Мураккаб муаммоларни оқилона йўл билан ҳал этишга халақит бераётганларга нисбатан қонунини қўллашни вақти ҳам келди.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котибаси Г. А. Григорян бозорга ўтмиш жараёни қорхоналар олдида қўнда-қўп иқтисодий тусдаги муаммоларни кўйётган ҳозирги пайтда миллатлараро муносабатлардаги иштирофлар ортқица қийинчиликларни келтириб чиқаради, деб таъкидлади. Ҳозир бу муаммолар шу даражада кескин муҳомақа қилинаётган экан, бунда ҳаммамиз айбдоримиз. Агар қўшннинг, ҳамкасбимнинг ҳурмат қилсам, деди Г. А. Григорян, мен унинг тилида сўзлашим керак. Тошкентда туғилиб ўсган мен ва мен каби кўччилик кишиларнинг боридиган жойи йўқ. Ватанимиз шу ерда. Бир-биримизга таъйиш ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш ўзларини топиш ҳақидагина ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим.

Меҳмондўстлик ва бошқа халқларга ҳурмат азаддан ўзбек халқининг қон-қонига сиғиб кетган, бу бизнинг анъаналаримиздир, деди «Ҳамза» махитининг йомони А. Исломов. Ислом ҳам ўз қавмларини шундай қилишга қарийди. Ер ва Қўешни, ҳаво ва сувни бўлиш мумкин эмас, бу неъматлар ҳаммага бирдай ато этилган. Шу боисдан савҳийлик ва оқиллик, сабр-қаноат ва ўзаро ҳурмат умумий тинчликнинг ва осойишталигининг негизи бўлиши зарур.

Бизнинг 23-болгани ўлимизга одамлар фарзаид асраб олиш учун келишганида, деди унинг директори Т. Ф. Мильчиная, жуда камдан кам ҳолларда унинг миллатини суриштиришди. Биз ҳам болаларни миллатига қараб ажратмаймиз, умуман бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Жамиятининг уларнинг ўзбек, рус ёки татар эканлиги эмас, оналар нима учун ўз фарзандларидан воз кечаётганлиги тўлқинлантириш лозим. Бу муаммоларни «Бирлик» эмас, балки сиз билан биз бартараф этишимиз, ўз куч-гайратимизни ана шу нарсаларга сарфлашимиз керак.

ТошДД ректори, Ўзбекистон ССР Президентлиги кенгашининг аъзоси, СССР халқ депутати Э. Ю. Юсупов ўз нутқида қуйидаги энг муҳим нарсани таъкидлади: миллатлараро муносабатлар кескинлашгани натижасида жумҳуриятимиздан одамлар оммавий равишда кўчиб кета бошласалар, унда Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммоларини еча олмайдим. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида барчамиз ўйлашимиз керак. Агар миллатлараро можаролар давом этадиган бўлса, ҳаммамиз тарих олдида жавоб беришимизга тўғри келлади.

Шубҳасиз, бу масалалар билан илгарироқ шуғулланиш керак эди, деди 159-қўрилиш трестининг электрики Я. И. Сайпин, лекин миллатлараро муносабатлар муаммоларини иқтисодий муаммолардан ажратган ҳолда ҳал этиш мумкин эмас. Бизнинг жамоага келганда, ҳозир унда кўп миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Шу негизда ҳеч қачон танглик бўлмаган. Буннинг сири эса жуда оддий — агар иш билан банд бўлсанг, зарур-арзимас нарсалар билан шуғулланишга вақт қолмайди.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси Э. Қодиров кўп қаватли уйлар даҳасида маҳалла комитетини ташкил этиш тақрибасини ўртоқлашди. У ишларни тўғри йўлга қўйиш ва маҳаллада ўзаро муносабат анъаналарини тиклаш хоҳиши бўлган тақдирдагина турар жойларда ишларни жадаллаштиришда, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга муваффақиятга эришиш мумкин, деди.

Ўзбекистон ССР Олий ва Урта махсус таълим вазирининг уринбосари Н. М. Науменко талабалар, ўқувчи-ёшларни тарбиялашни кўчатириш зарурлигига йиғилларнинг эътиборини жалб этди. Олий ўқув юрти, техникум, билим юртида ҳақиқий интизом бўлмаса, талабаларнинг митингбозлик қилмай ўқишларига умид боғлаш қийин. Кейинги вақтда талабалар, ўқувчи-ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик кўпайди. Айбдорларга нисбатан уларни илмгоҳлардан тезда ҳайдашгача бўлган қатъий чоралар кўриш зарур.

Йиғилиш қатнашчилари жойларда, меҳнат жамоаларида, маҳалларда, даҳаларда аҳволни барқарорлаштириш ва бозорга ўтмиш юзасидан ҳозир олдинда турган муаммоларни бартараф этиш юзасидан олиб бориш жамоатчилигининг биринчи гадағи вазифа-си, деган фикрга келдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон пойтахтининг барча аҳолисига мурожаатнома қабул қилиб, уларни яхши қўшничилик муносабатларини, тинчлик ва дўстлигини мустақамлашга, фуқаролар тотувлигини қарор топтиришга қарийдилар.



Дазмолоччи Рахмон Расулов кўп йиллардан бери шахримиздаги кўн-мўйна фабрикасининг мўйна цехида сидқидилдан ишлаб келмоқда. Меҳнат кексаси ўз вазифаларини ортинг билан сифатли адо этиб, ҳамкасбларининг олқинига сазовор бўлапти. Х. Солиқов сурати.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ДАВР ТАҚОЗОСИ

ПАРИЖ. Европа кеңашининг парламент ассамблеяси Европа кеңашига аъзо бўлган мамлакатларга мурожаат этиб, уларни давлат қорхоналарини хусусий кишиларга топшириш ишларига ердам беришга тақрирди. Европадаги 23 мамлакатни бирлаштирган ассамблея кеңашини — сиёсий маслаҳат ташкилотининг Франциядаги Страсбург шаҳрида ўтаётган сессиясида қарор қабул қилди. Унда Европа кеңашига аъзо бўлган мамлакатларга санаят ва қишлоқ хўжалик қорхоналарини хусусийлаштириш тақрибасини ўртоқлашни тақлиф этилади. Бу Шарий Европада планли иқтисодиётдан бозорга ўтиш учун асос тайёрлашга ердам берган бўлур эди.

Телетайп лентасидан

● БМТ. Нью-Йоркда СССР Ташқи ишлар вазири Эдуард Шеварднадзе билан АҚШ давлат котиби Джеймс Бейкер ўртасида амалий ўзаро суҳбат бўлди. Урашув «узгариб бораётган дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун масъулият» деб аталган Совет — Америка кўшма баёноти қабул қилиш билан ниҳоясига эди. Бу икки вазирнинг кейинги ўн кун ичидаги учинчи урашуву эди. У олти ярим соатдан кўпроқ давом этди. Европада оддий кулолроғларни қисқарттириш масалалари суҳбатларнинг асосий мавзуи бўлди. Иккала вазирининг фикрига қараганда, мазкур муаммонинг барча жиҳатлари юзасидан битмига эришилди.

● БЕЛГРАД. Серб опозициячи партиалари уюшмасининг вакиллари жумҳуриятнинг 9 декабрь кўни ўтказилиши белгиланган парламент сайловини бойкот этишга қарор берганликларини эълон қилдилар. Улар Сербия сиёсий жамоатчилигига мурожаат этиб, ўзларини қўллаб-қувватлашга қарийдилар.

● ВАСИНГТОН. Бир гуруҳ қонун чиқарувчиларнинг АҚШ сенати оркали стратегик резервлардан нефть сотишни қўлайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини оддий тартиб асосида ўтказишга уришини муваффақиятсиз тутди. Бу янги қонун лойиҳасининг ташаббуслорлари бўлган муаллифлар маъмурият стратегия мақсадларда гамаляб қўйилган нефтьдан сотишни мумкин бўлган миндиорин уч баравар, яъни 15 миллион баррелга этказишни тақлиф этгандилар. Маълумки, бу нефть запас-

● ТОКИО. «Бутун дунёда ҳамкорлик фойдасига, муҳолифликка қарши кайфият кенг тарқалди ва биз бу нарсасига Совет — Япон муносабатларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга яхши таъсир этишига умид қиламиз», — деди Япония ташқи ишлар вазири тўғрисида матбуот котиби Тайёдо Ватанабе чоршанба кўни журналистлар билан бўлган учрашувда. У икки герман давлати бирлашшининг халқаро муносабатларга таъсирини масаласига ҳам тўхтади.

(СИТА).



● Хитойнинг шимол-шарқидagi мўъжазгина Маньчжурия шахрида озодлик уршида кштирок этган кўп кексалар истиқомат қилшади. Маҳаллий маъмурият улар учун ўй қўриб беришган. Собки жангчлар ш уйда ўзларининг бўш вақтларини кўнглили ўтказишади. Улар учун барча шаронлар яратилган: улур мунтазам шифокорлар назоратдан ўтказилиши, соғломлаштириш гимнастикаси, турли ўйинлар, бадми ҳаваскорлик билан шуғулланишлари мумкин. СУВАДА: хусникатчи Жун Пенъ-Шань кексалар уйда ўзи яхши кўрган машгулот билан шуғулланади. В. Сайпин (ТАСС) сурати.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Навбатдаги жаҳоншумул беллашув



© БУТУН Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида жаҳон шатранж тоғи учун Гарри Каспаров ва Анатолий Карповлар ўртасида навбатдаги беллашув бошланади. Улар бу ерда 12 партия ўйнаганларидан сўнг, бир оз танлаш қилгач, Франциянинг Лион шаҳрида яна қолган 12 партияни ўтказадилар. Ушбу 24 партия натижасига кўра шатранж тоғининг янги соҳибни аниқланади. Эслатиб ўтамиз, мабодо беллашувлар дуранг натижа билан, яъни 12:12 ҳисобига тугаса, Гарри Каспаров жаҳон чемпиони сифатида бу сафар ҳам шатранж тоғини ўзига сақлаб қолади. Бугунги кунгача бу икки шатранжчимиз Ҳазор жами 131 марта беллашганлар. Шундан 19 тасида Каспаров, 17 тасида Карпов ғалаба қозонган. Қолган ўйинлар эса дуранг натижа билан туғатган.

Ҳўш, рақиблар навбатдаги баҳс ҳақида қандай фикрдалар? Бизнинг баҳс ўйинларимиз доимо шатранж назариёсига қандайдир янгиланялар киритган. Ўйлашганим, бу гал ҳам ушбу қадимий ўйин янги кашфиётлар билан бойибди, — деди Анатолий Карпов.

— Бу гал кураш жуда шиддатли ва юқори даражада кескин ўтади. — Ушбу фикрлар жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга тегишли.

Энди муштарайларимизни жаҳон чемпиону билан қисқача таништириамиз.

Жаҳон тоғини кўлга киритиш учун дастлабки расмий ўйинлар 1986 йилдан бошланган. Шу йили И. Цукерторт

устидан ғалаба қозонган В. Стейниц шатранж тарихида илк марта куррамининг энг кучли шатранжчиси номини олган ва 1894 йилга қадар бундай шарафли номни сақлаб турган. Стейницдан сўнг яна қуйдаги шатранж усталари жаҳон чемпиони унингга сазовор бўлган: Э. Ласкер (1894—1921 йиллар), Х.-Р. Капабланка (1921—1927 й.), А. Алехин (1927—1935 ва 1937—1946 й.), М. Эйве (1935—1937 й.), М. Вотивник (1948—1957, 1958—1960 ва 1961—1963 й.), В. Смилов (1957—1958 й.), М. Таль (1960—61 й.), Т. Петросян (1963—1969 й.), Б. Спасский (1969—1972 й.), Р. Фишер (1972—1975 й.), А. Карпов (1975—1985 й.) ва Г. Каспаров 1985 йилдан бери жаҳон шатранж тоғининг соҳиб бўлиб келмоқда.

Кўпчилигини чемпионларнинг ушбу маънақатли чўчкини неча ёшларида забт этганлари ҳам қизиқтирас керак. Эслатиб ўтамиз Г. Каспаров тоғни илк бор кўлга киритганида 22 ёшда, М. Таль — 23 ёшда, А. Карпов — 24 ёшда, Э. Ласкер — 25, Р. Фишер — 29, Х.-Р. Капабланка ва Б. Спасский — 32, Т. Петросян — 33, М. Эйве — 34, А. Алехин — 35, М. Вотивник ва В. С. Смилов — 36 ёшда эдилар. Дастлабки чемпион В. Стейниц эса 49 ёшда шатранж тоғини кўлга киритиб, бу борада ўзига ҳосрекорд ўрнатган.

Шатранж тенг асосдаги ақлий кураш демокдир... Рақибнингизнинг имкониятлари қандай бўлса, сиз ҳам ўшанга қодирсиз. Комбинациялар қилиш, донаторни қўлай жойлаштириш ва аниқ ҳисоб юритиш йўли билан (албатта маълум вақт доирасидан чиқмай) чексиз кўп турли маневрлар қилиш имконияти берилади. Бу ишни воқеалар жараянини олдиндан кўра-билишга ўргатади. Шатранж жуда фойдали, тарбиявий ўйиндир. Чинаман моҳир шатранжчи бўлиб етишсангиз, ана шунинг ўзи ҳам ҳақиқий санъатдир.

Буюк Фирдасий «Шохнома» асарига шатранжга катта ўрин берган. Бунинг сабабини сўраганлариде: «Мақсад — шатранжни кўйлаб поэзиядан илҳомланиш, лаззатланишдир», деган экан. Х асп араб тарихини Масъуднинг маълумотларига қараганда Шарқда имконияти бор кишилар ўз хонадонларида тарбиячи сифатида моҳир шатранжчи сақлаганлар.

Озарбайжонлик машҳур сўз санъаткорларидан Абдуллоҳ Ҳоҷоний (XI—XII асрлар): «Шатранж тахтасидеги кураш тасодифларга эмас, балки инсоннинг ақл-заковатига асосланади», — дейди.

Озарбайжонлик профессор, атоқли навоийшунос Хамид Ораслининг кўрсатишича, XIII—XIV асрларда озарбайжон ақлиларининг маданий машғулотларидан бири шатранж бўлиб, моҳир шатранжчилар эл ичиде шўҳрат топар, уларга саяхаткор деб қаралар эди. Алишер Навоий яшаган даврда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот шаҳарлари шатранж маданиятининг марказларидан эди. Ҳозир вақт доғимда Алишернинг кўлида

М. МУҲИДИНОВ, тарих фанлари номдоғи.

ЎЙИН ЭМАС, САНЪАТДИР

ЗАМОНАМИЗНИНГ энг илмли, энг маърифатпарвар кишиларидан бири, Совет ҳокимиятининг дастлабки маориф комиссари А. В. Луначарский ёшларга мурожаат қилиб бундай деган эди:

«Шатранж тенг асосдаги ақлий кураш демокдир... Рақибнингизнинг имкониятлари қандай бўлса, сиз ҳам ўшанга қодирсиз. Комбинациялар қилиш, донаторни қўлай жойлаштириш ва аниқ ҳисоб юритиш йўли билан (албатта маълум вақт доирасидан чиқмай) чексиз кўп турли маневрлар қилиш имконияти берилади. Бу ишни воқеалар жараянини олдиндан кўра-билишга ўргатади. Шатранж жуда фойдали, тарбиявий ўйиндир. Чинаман моҳир шатранжчи бўлиб етишсангиз, ана шунинг ўзи ҳам ҳақиқий санъатдир.

Буюк Фирдасий «Шохнома» асарига шатранжга катта ўрин берган. Бунинг сабабини сўраганлариде: «Мақсад — шатранжни кўйлаб поэзиядан илҳомланиш, лаззатланишдир», деган экан. Х асп араб тарихини Масъуднинг маълумотларига қараганда Шарқда имконияти бор кишилар ўз хонадонларида тарбиячи сифатида моҳир шатранжчи сақлаганлар.

Озарбайжонлик машҳур сўз санъаткорларидан Абдуллоҳ Ҳоҷоний (XI—XII асрлар): «Шатранж тахтасидеги кураш тасодифларга эмас, балки инсоннинг ақл-заковатига асосланади», — дейди.

Озарбайжонлик профессор, атоқли навоийшунос Хамид Ораслининг кўрсатишича, XIII—XIV асрларда озарбайжон ақлиларининг маданий машғулотларидан бири шатранж бўлиб, моҳир шатранжчилар эл ичиде шўҳрат топар, уларга саяхаткор деб қаралар эди. Алишер Навоий яшаган даврда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот шаҳарлари шатранж маданиятининг марказларидан эди. Ҳозир вақт доғимда Алишернинг кўлида

М. МУҲИДИНОВ, тарих фанлари номдоғи.

Биласизми?

© КУТИЛМАГАН ҒАЛАБА

АНАТОЛИЙ Карповнинг биринчи марта халқаро турнирларда қатнашиши жуда кўра қизик. 1966 йили шатранжчиларимиз Чехословакияда ўтказилган ўсмирлар халқаро турнирида тақдирланган эдилар. Унда қатнашиш баҳси 15 ёшли Карповга насиб бўлган. Карпов Чехословакияга келганида эса турнирнинг ўсмирлар эмас, балки катта-талвар ўртасида ўтказилиши маълум бўлган. Карповни алмаштириш учун кеч эди, шу сабабни уни қатнашишлар сафига қўйишга тўғри келди. Натижа эса жуда кутилмаган бўлиб қолди: Анатолий бирорта ҳам партияни бой беради, ғолиблигини қўлга киритган эди.

© ЕЧИЛМАГАН «ЖУМБОҚ»

1933 йили Аустерлиц кўрғазмасида Наполеоннинг ҳаёти билан боғлиқ экспонатлар билан бирга фанли суғидан моҳирона бунёд этилган шатранж доналари ҳам намоий қилинган эди. У Муқаддас Елена оролида истикомат қилаётган императорга сафдошлари томонидан юборилган ва ўлимдан сўнг ўйига мерос бўлиб қолганди. Фақат, бир неча ўй иллар ўтганидан кейингина бёзи шатранж доналарига императорнинг ордонин қандай қошичи режаси битилган ирок парчалари жойлаштирилганлиги маълум бўлди. Бироқ ҳамма гап шунинг

© ТАРИХДА ЭНГ БИРИНЧИ

ШАТРАНЖ тарихида энг биринчи чоп этилган ойноманинг номи «Паламед» бўлиб, у 1836 йили муштарайлар эйтибориға ҳавола қилинган эди. Россияда эса «Шахмат арағи» номи илк ойнама 1859 йили ташкил этилган.

© АВВАЛДАН СЕЗГАН ЭДИ...

ТАНИҚЛИ шатранж гроссмейстери Терраш 1910 йили Гамбургда ўтказилган халқаро турнирда англиялик шатранжчи Ятсинг қатнашишига қарши бўлганди. Террашнинг фикрича, Ятс бундай кучли мусобақада қатнашиш учун етарли даражада маҳоратга эга эмас эди. Бироқ, ҳар ҳолда Ятс ушбу турнирда қатнашишига муваффақ бўлди. Қизиғи шунданки, у охириги ўринини эгаллаган, ягона ғалабани эса Терраш устидан қозонган эди.

Ш. ИСОҚОВ тайёрлаган.

Муҳаррир ўринбосари С. В. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги
ЖУМЎҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 УҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУШИМЧА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори маналани контролёр-касир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу гуруҳларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Шунингдек декоратор—безакчилар группаси бўлиб, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат (саноат) товарлари магазинлари учун мутахассислар тайёрланади.

КИРУВЧИЛАР БИЛАН СУЎБАТ УТҚАЗИЛАДИ.

Ўқиш муддати — 2 йил. Бу гуруҳга тўлиқ ўрта маълумотли, 25 ёшгача бўлган ва Ўзбекистон жумҳуриятида яшовчилар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ ЭЪБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли тоширган ўқувчилар педагогика кенгаши қарорига кўра, ўқиниши битириб бўлган Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош Универсал магазинида ва университетларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйдаги ҳужжатларни тоширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 086/У формадаги медицина справкиси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва обалт савдо бошқармасининг йўлнамаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 42 сўм стипендия берилди.

Ота-онаси ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуг Ватан уруши I ва II даражали ноғронларнинг фарзандларига ҳар ойда 50 сўм стипендия туланади.

Жумҳурият ҳунари-техника билим юртининг манзилли 700173 Тошкент шаҳри, А. Икромов району, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (13,70, 116—9) автобуслар билан «Тез ёрдам медицина клиникаси», 4 ва 9 трамвайлар билан «Чўпонота» бекатларига ҳам борилади. Телефонлар: 75-35-86, 75-35-91.

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 8-ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйдаги мутахассисликлар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонтни бўйича слесарь, сонли программа билан бошқариладиган дастгоҳ операторлари, токар, фрезерчи, кенг соҳадаги дастгоҳсоз.

Ўқишга 9—11 синаф маълумотиға эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 9-синафни тугатганлар учун — 1-2-3 йил.

1—2 йиллик ўқишга қабул қилинганлар касб ўрганадилар ва диплом оладилар.

МАНҒУЛОТЛАР ЭЪБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқув муддати 2 йилга ҳисқартирилган тажриба гуруҳлари ташкил этилган.

Ўқиш тугатгандан кейин ўрта маълумот ва эгаллаган касби ҳақида диплом берилади.

11-синафни тугатган ўқувчилар 10 ой ўқитилади ва 65 сўм миқдорига стипендия билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган йигитлар учун ўқиш муддати 6 ой, улар ҳам 65 сўм миқдорига стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига кирди.

Билим юртида спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик, авиамодел, радио, фототўғараклар ишлаб турибди.

Билим юртини «аъло»га тугатганлар илиқ ўқув юртакларининг кундузги бўлими ва учувчилик билим юртакларига юбориладилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент машинасозлик институти самолётсозлик ва механика факультетларининг кечки ва сиртки бўлимига ўқишга киришлари мумкин.

Қуйдаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва тиббий справккалар, мактабдан характеристика, 6 донадан 3х4 ва 4х5 см. катталикдаги фотосурат.

Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинганларга қабул қилинади.

Билим юрти маскани: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь району, У. Юсупов кўчаси, Авиация калта кўчаси 10-уй (10, 23, 27-трамвайлар; 1, 4, 10, 14, 21-троллейбуслар; 18, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси) бекати). Телефон 41-75-54.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

11-синафни тамомлаган ёшларни ҳамда Совет Армияси сафидан хизматни тугатиб қайтган йигитларни
ҚУИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎИЧА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЧИННИ ШАКЛИНИ ТАЙЕРЛОВЧИЛАР, ЧИННИНИ ТЕКИСЛОВЧИЛАР.
БИЛИМ ЮРТИГА 11-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ўқишга қабул қилинганларга 85 сўм миқдорига стипендия берилади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассислиги ҳақида диплом берилади. Шунингдек, аъло баҳолар билан битирганлар илиқ ўқув юртакларига имтиҳонли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш эъбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддати узлуқсиз меҳнат стажига кирди.

Билим юрти битирувчилари Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртга кирувчилар қуйдаги ҳужжатларни тоширишлари шарт: директор номига ариза, паспорт (кўрсатилади), турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкиси (086/У форма), 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳоли, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (Йигитлар учун).

Ўқиш гуруҳлар ийгилиши билан бошланади.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Сағбон кўчаси, 17-тиник (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Кўш-тут» бекати).

Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38.



НАВОНИ НОМИДАГИ ЭЪБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/Х да Севилья сартароши, 10/Х да Бохсарой фаввораси, 11/Х да Тоҳир ва Зухра.

ҲАМЗА НОМИДАГИ (ЛЕНИН ОРДЕНЛИ) ЭЪБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/Х да Куев, 11/Х да Ну. порт.

МУҚИМИ НОМИДАГИ ЭЪБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 9/Х да Мушкул сав. до, 10/Х да Аршин мол-олон, 11/Х да Хотиннинг эри.

АВРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЭЪБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/Х да Найнов ва панама, 9/Х да Фармонбиби аразади, 10/Х да Зиефат, 11/Х да Отасининг қизи.

8 ОКТЯБРДА

Санъат сароини — «КОНХУР ХУДОҲУҲЛАР» (Тошкент; катта зал — 17, 19, 20.40); «КҲНА ЭХРОМ ХАЗИНАЛАРИ» (Хиндистон; кичик зал — 17, 19.30).

Чайна — «ҲЗ КУЧИМ БИЛАН» (16, 18.30, 21.00).

Восток — «СЕВГИ ЭХРОМИ» (16, 18.30, 21.00).

Лисувон номи — «МОВИИ ЖАРЛИК» (17, 20.00).

Нукус — «ҲЗ КУЧИМ БИЛАН» (16, 18.30, 20.45).

Москва — «ПРОКУРОР УЧУН СОВГА» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги номи — «ПРОКУРОР УЧУН СОВГА» (ноҳут соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «ФИДОНИ» (15, 17.00); «ХАҚҒҲЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (21.00).

9, 10 ОКТЯБРДА

Санъат сароини — «КОНХУР ХУДОҲУҲЛАР» (Тошкент; катта зал — 11, 13, 15, 17, 19, 20.40); «КҲНА ЭХРОМ ХАЗИНАЛАРИ» (Хиндистон; кичик зал — 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайна — «ҲЗ КУЧИМ БИЛАН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «СЕВГИ ЭХРОМИ» 11, 13.30, 16, 18.30, 21.00.

Лисувон номи — «МОВИИ ЖАРЛИК» (11, 14, 17, 20.00).

Нукус — «ҲЗ КУЧИМ БИЛАН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ПРОКУРОР УЧУН СОВГА» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги номи — «ПРОКУРОР УЧУН СОВГА» (ноҳут соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «ФИДОНИ» (11, 13, 15, 17.00); «ХАҚҒҲЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (18.30, 21.00).

КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1-АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ

токарлик, пармалаш, силқиқлаш ва фрезерлик дастгоҳларига эҳтиёт қисмларини

СОТАДИ

Қуйдаги манзилга мурожаат қилингиз: Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 57-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри) бекати).

Маълумотлар олиш учун телефон: 91-33-25.

БИЛИМЛАР УИИ

(Киров кўчаси, 24-уй) араб ёзуви асосидеги эски ўзбек тилини ўрганиш

6 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтаига 2 марта соат 19.00 дан бошлаб ўтказилади.

МАНҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТҒЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефон: 56-49-92.

Тошкент шаҳар, 20-кечги сменади ўрта мактаб томонидан Вабёна Маълумот Абдужабаровна номига берилган 916226 номерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташхилот»га қарашли 79-мағазининг йўқолган

ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент политехника олийтоғи Киёмий техникалогия институтининг замонавий фан олигининг мағазининг мағазини ноимодоғи Х. Ш. Каримовга асосан

Махмудовнинг вафот этганини муносабати билан чўчур тўзғия низоҳор қилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА
29 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
«ИНТЕР ВОСТОК» Давлат тақши иқтисодий ассоциациясига қарашли

«ШАРҚ МАДАНИЯТ ЭКСПОРТ» фирмаси қошида янги ташкил этилган
«ТУРКИСТОН ДУРДОНАСИ»

ТИЖОРАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
ТУРКИЯГА ВЪЛАДИГАН ИЖОДИИ САФАРИ ОЛ